

Ёлғон қасам ичиш энг катта гуноҳлардан



10:02 / 14.10.2018 2343

Савдо молини ўтказиш учун ёлғон қасам ичиш энг катта гуноҳлардан биридир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қасам ичиш савдо молини ўтказувчи, баракани ўчирувчидир», дедилар».

Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Муслимнинг ривоятида:

«Савдода кўп қасам ичишдан эҳтиёт бўлинглар, чунки у ўтказди ва ўчиради», дейилган.

Баъзи бир савдогарлар ўз молини ўтказиш мақсадида ёлғон гапирдилар, ҳатто қасам ҳам ичадилар. Баъзи харидорлар унинг қасамига ишониб, молини сотиб олади. Ҳалиги савдогар савдоим юришди, деб хурсанд бўлади. Аслида эса ёлғон гапиргани, ёлғон қасам ичгани учун молининг баракаси ўчади. Миқдори кўпайганга ўхшагани билан баракаси бўлмайди. Фойдаси камаяди. Ҳатто бошқа томондан балолар ҳам етади.

Шунинг учун савдогар ростгўй бўлиши керак, қасам ичиб, молини ўтказишга уринмаслиги лозим. Ростгўйлик билан, бировни алдамасдан қилинган савдода барака бўлади, эгасига юқади, фойда беради.

“Бозор ва унга боғлиқ масалалар” китобидан